

ЭЙ, ҚИЗЧАМ

Алий Тантовий



1-қисм

Сен атрофингда айланишиб қолган бегона эркакларнинг «сизнинг чиройли гапиришингиз мени адо қилмоқда», «мен сизнинг хулқ-одобингиз гадосиман», «менга сизнинг ору номусингиз керак эмас», деган гапларига ишоняпсанми, шу гапларга алданяпсанми? Аллоҳга қасамки, бегона эркак бегона аёлни кўрганда, хаёлан унинг кийимларини ечиб ташлаб, уни яланғоч тасаввур қилиб кўрмаса, келиб менинг юзимга туфлагин. Ҳар бир бегона эркакнинг «сизни дўстона яхши кўрамиз» деган гапларига учдингми? Сен бу гапларга алданмагин. Бегона эркакларнинг хилват, қоронғу жойларда, аёл кишилар бўлмаган давраларда аёллар тўғрисида гапирган беъмани, беҳаё гапларини эшитганинда, уларнинг бетларига туфлаган бўлардинг. Улар аёлни қанча пулга гаплашганларини, қанча пулга обрўсини, ору номусини поймол қилганликларини мақтаниб

гапириб ўтирганларини эшитганингда сен ҳам уларга бор нафратингни изҳор қилган бўлардинг.

Эй, қизим, - дейди, - бу жамият шунақанги жамиятки, инсоният шунақанги инсониятки, зино, ҳаром иш, очиқ-сочиқлик олиб борувчи номуссизлик шунақанги доғ бўлиб тушадики, сени гуноҳга, зинога даъват қилган, сенинг ору номусингга тегиб олдингдан чиқиб кетганидан кейин эркакнинг ҳалиги гуноҳлари эсидан чиқиб, кўчада хотиржам юрган вақтида, гуноҳнинг орқасидан келган расволиклар умр бўйи сенинг қаддингни букиб туради. Бу жамият, инсоният гуноҳга бошлаган эркакни эртага кечириб юборади, «ҳа, энди йигитчиликда бўлган-да», - дейди. Лекин қиз боланикини кечирмайди. Ёшинг бир жойга бориб, кексайиб, тавба-тазарру қилган ва, худо кечирган бўлса ҳам булар сени бари-бир кечирмайди. Бузуқ аёл деган тамға бир умрга тушади пешонангга. Аёлники ёмонроқ бўлади. Аёл кишининг ор- номусига бир нарса бўлса,

бутун авлоди, бутун насл- насабига доғ тушади. У доғни кейин ҳеч ким покиза этолмайди. Шунинг учун мен аёлларга насиҳат қилаётганимда, насиҳатнинг биринчисини Худодан кўрқинглар деб бошлардим. Ҳамма ишнинг аввали худодан кўрқишдир. Худодан кўрққани яхши одамнинг. Қороғида, ҳеч ким бўлмаса ҳам зино қилмаяпти- ку. Ҳеч нарса монелик қилмаяпти унга, ҳеч ким кўрмаяпти ҳам, фақат худодан кўрқиш уни тўхтатиб турибди. Худодан кўрққанлиги учун у одам, буни тушунмаса ҳам, билмаса ҳам, ёлғон гапирмаяпти-ку. Худодан кўрққанлиги учун бозорда қасам ичмаяпти. Худодан кўрққанлиги учун ароқ ичмаяпти, худодан кўрққанлиги учун, ҳеч ким кўрмасаям ота-отасини ҳурмат қиляпти. Нимага? Чунки худода кўрққанлигидан қиляпти шунини. Шу сабабли насиҳатимни, эй, қизларим, худодан кўрқинглар деб бошлар эдим. Инсон ўзи шунақа, табиати қизиқ: охирадан гапирсам, охираатнинг гапи таъсир қилмайди унга.

Кўпроқ ўз кўзи билан кўрган нарсалардан таъсирланадилар.

Уларга иккинчи гапирадиган гапим — касаллик. Уларни касаллик билан кўрқитган бўлардим. Бу ёмон ишнинг, зинонинг оқибатида ёмон дардлар бор, тузалмас касалликлар бор дердим. Агар буни ҳам тушунмасалар, уларга айтардимки, эй қизим, дунёда ҳеч бир нарса абадий, бардавом турмаганидек, сени бу гўзаллигинг ҳам бардавом эмас. Одамларни ўзига жалб қилиб турган бу гўзалликлар, юзингдаги чиройли терилар бир кун келиб ғадир-будур бўлиб, ҳайдалган ерга ўхшаб кетишлари бор. Бир ҳовуч буғдойни ташласанг ҳаммаси унга жо бўлиб, ерга тушмайдиган бўлиб кетишлари бор. Ҳар хил рангга бўяб юрилган бу сочларнинг эшак думига ўхшаб кетишлари бор ҳали. Ҳеч бир нарсада камолот бардавом турмайди. Қуёш ҳам чиқиб дастлаб камол топади, сўнгра бари бир заволга қараб кетади. Ҳар бир нарсанинг заволи бор. Сенинг ҳуснинг

ҳам абадий эмас. Атрофингда юрган бу зотлар ҳозирча ҳусну жамолингга ишқивоз бўлсалар, сендан ҳусн-жамол юз ўгирганда, улар ҳам бошқа тарафга юз ўгириб кетадилар, сен ўртада, аросатда қолиб кетасан. Қариганингда ғам- ташвишингни ким ейди, ким қайғуради сенга? Ҳаром-хариш йўлларга қадам ташлаганингда атрофимда парвона бўлганлар дерсан, балки. Ҳеч ким ғам- ташвишингни қилмайди. Афсус ва надомат ўтида қовриласан ва кўрасанки, бошқа қариган кампир, аёлларнинг ғам- ташвишини фарзандлари, неваралари ейди. Ўша вақтда, ғам-ташвишини фарзанд ва неваралари еб турган вақтда улар катта бир саройда ўтирган маликадек, бошига бахт тожи кийдирилган подшоҳдек ўтирадилар.

2-қисм

Фарзандларнинг тарбияси. Мен мана шу камтаргина насихатларимни оталар ва оналарга ҳавола қиламан. Бу аслида маълум ва машҳур нарса. Бу гапларни айтар эканман, бу

билан Архимеднинг янги қонунини кашф қилдим деб даъво қилмайман. Кимлар буни эсидан чиқарган бўлса, эслатиб қўяман, эсида бўлганларни эса унга амал қилишга даъват қиламан, холос. Биринчидан, фарзанди учун отаси билан онаси амалий намуна бўлиши керак, яъни уларнинг ўзи ўз фарзандига ўрнак бўлиши керак. Отанинг ўзи астойдил намоз ўқимаса, фарзандига астойдил намоз ўқигин дея олмайди. Фарзанди онаси бир кунда йигирма марта ёлғон гапирганини кўриб тургач, онанинг фарзандига ёлғон гапирмагин дейишидан нима наф? Айтайлик, она синглимникига бориб келдим дейди, ваҳоланки боласи онасининг бозорга бориб келганидан хабардор. Боласининг кўз ўнгида дўкондан икки сўмга олган нарсасини беш сўмга олдим деб отасидан пулини ундириб турган бўлса-чи?! Отаси фарзандининг олдида ёшлигимда фаришда бўлганман деб даъво қилмасин, хулқим шунақанги чиройли бўлганки, хулқим гўзалликда, қомат зеболигида, ўқиган мактабимда, дарсларни

ёдлашда, имтиҳонларда биринчиликни олишда ягона бўлганман демасин. Чунки фарзанд отаси болалигида ғирт шайтон бўлганлигини бувисидан ёки аммасидан эшитиб бўлган. Мактабда дангасаликда унинг олдида тушадигани бўлмаганлигини ҳам, ўн йилда аранг еттинчи синфни тамомлаганини ҳам эшитган.

Воиз – гапиргувчи одам айтиб турган гапига кафил бўлса, феъллари эса унинг айтиб турган гапларини тасдиқлаб турган бўлса, хўп-хўп. Вақтики, унинг насиҳати фақатгина оғиздан чиқадиган гап бўлса, фақатгина бошлиқ бўлиб қолганлиги учун расмий тарзда гапираётган бўлса, у бировга ҳеч ҳам фойда қилмайди, манфаат ҳам бермайди – хоҳ у насиҳат ота тарафидан бўлсин, хоҳ она тарафидан бўлсин ёинки мактабдаги мударрис тарафидан бўлсин ёки минбарда турган хатибники бўлсин! Ҳазрати Али Тонтови айтадиларки, болани тарбия қилишдаги биринчи шарт уни саҳих тарбия қилишда ота билан она аввал ўзини

ислоҳ қилсин-у, ундан кейин фарзандларини
ислоҳ қилсин, яъни аввал ўзларини тузатиб
олсин. Болани тарбия қилишдаги иккинчи шарт
шуки, бола билан ота-она жуда кўп гаплашсин,
яъни болани ўзидан ажратиб қўйишмасин. Ота
ишга барвақт, эрта тонгда кетса, тонгда бола
ухлаётган бўлса, ота пешинда овқатлангани
келганда бола мактабда бўлса, ота кечкурун
чайхонага, ўтириш- зиёфатларга кетса, қайтиб
келганда бола яна ухлаб ётган бўлса, айтингчи,
бу алфозда фарзанд отасини қачон кўради? Ота
фарзандининг тарбияси билан қачон машғул
бўлади? Ёки она, у ҳам боласини
тарбиячиларга бериб, қўни-қўшниникида
қолдириб, бошқа жойларга кетаверса, ишга ёки
бозорга борса ёинки ҳали у, ҳали бу
дугонасиникига юриш топса, бу бола қаерда
тарбия олади? Ахир у ота-онанинг меҳридан,
хайрихоҳлигидан маҳрум бўлиб қолмоқда-ку!
Жоҳил, худони танимайдиган ходималар
қўлида қолиб кетаётир-ку. Улар боғча опа ёки
ходималарнинг аъмолларига рўпара бўлиб,
истаса-истамаса, уларнинг жоҳиллик, худо

беҳабарлик меваларидан баҳраманд бўлади. Хулқи хунуклашиб, ёмонлик устига ёмонлик зиёда бўлади. Ота билан она фарзандининг кўчада тенгқур болалар билан ўйнашига бепарво бўлмаслиги ва ҳамиша ҳам бунга изн беравермаслиги керак. Бола биринчи дарсни, илк сабоқни кўчадан олади. Ўтган-кетган одамлардан гапиришга ор қилинадиган, хунук гапларни эшитади. Ўткинчиларга азият беради. Машиналар ҳалокатга учраган жойларда уймалашиб қолади. Ногаҳон бегона бир тош учиб келиб унинг бошини ёради. Хуллас ўзининг ошиёнига жасадидаям, руҳидаям фақатгина зарар билан қайтиб келади. Энди ёмон онанинг кўлида катта бўлган бола қаердаю, уйда ўтирган, ўз кўксини тутиб уни ўзи эмизган, ўз кўли билан унга хизмат қилган, кечалари билан бедор бўлиб унга тарбия берган яхши онанинг фарзанди қаерда? Қайси хотин уйини таниса, уйим-жойим деса, эрини таниса, унинг иззат-ҳурматини жойига қўйса, боласининг тарбиясини бошқа нарсалардан устун қўйса, турмуши осойишта кечади. Ота

билан фарзанднинг муомаласи шундай бўлиши керакки, эрталаб бамдодга турган отанинг биринчи вазифаси ўзи уйғонганидан кейин фарзандини уйғотсин, яъни унга юзлансин. Ишидан қайтиб келганидан кейин ҳам у билан бирга бўлсин. Унинг сайрини, юриш-туришини, сулҳини, музокарасини, мурожаатини, гапираётган сўзларини, гапларининг оҳангини мууроқабат қилиб кузатсин, унинг хулқини тузатсин, дарс қилиши, таълимига эътибор берсин, агар ота ташқарига айлангани чиқадиган бўлса уни ҳам ўзи билан олиб чиқсин. Йўл- йўлакай насихатини қилиб борсин. Ана шундай қилинганда сиз ўтирган, яшаб турган уйингиз дорил омон бўлади. Муҳаббат билан якдиллик уйига айланади. Унда бир бутунликлар-у, иттифоқлар жамулжам бўлади. Бундай гўшада ҳамма одамлар аввало ўзидан, қолаверса бошқалардан рози бўлади, худойи таоло ҳам рози бўлади.

Яна иккинчи шарт шундан иборатки, ота ўз тижоратини, ўзининг ўйин-кулгусини, фосих ўртоқлари билан гаплашишликни боласининг тарбиясидан устун қўймасин. Она ҳам ишлайдиган ишини, дугонасини зиёрат қилишни ёинки туғилган кун баҳонасидаги қандайдир зиёфатларга боришликни фарзандининг тарбиясидан устун қўймасин. Учинчи шартига келсак, ҳар бир ота билсинки, иймон билан куфр, солиҳ билан фасод – ҳамма- ҳаммаси уруғини боланинг ёшлигидан қўяди. Иймон, фасод ёинки бошқа ҳаммаси уруғи боланинг ёшлигида экилади. Бола Аллоҳ таолога иймонни, яхшиликка муҳаббатни, ҳаққа эргашишликни ёшлигида ўрганиб бўлади. Ҳазрати Али Тонтови бу ижодимда қисқагина қилиб гапирган гапларимни кейинчалик муфассал гапирсам керак деган умидим бор дейди ишонч билан.

3-қисм

Лекин ана шу одамларнинг нафсидаги экилган дарахтларнинг томирини кўрсангиз,

унинг уруғини дадаси эккан бўлиб чиқади. Ёшлигида олган тарбиясининг меваси бўлади. Куфр, иймон, солиҳ, фасод – булар ҳаммаси ўз уруғини бола бир ёшдан ўн ёшгача бўлган даврда унинг ақл деб аталмиш заминига ташлайди. Боланинг қалби аслида оппоқ бир қоғозга ўхшайди. Нима нарса нақшланган, чизилган бўлса, ўша қоғозда шундоққина қолиб кетаверади. Ундаги нақшларни чизадиган зот ота билан онадир. Ёинки ота билан онанинг бепарволиги туфайли кўчадаги бошқа одамлар чизиб кўяди. Ота ўз фарзандини иймонли бўлиб улғайтириш учун нима қилиши керак? Мен биламан дейдиган одамлар ўзини овутиш учун кўлига маза қилиб газета, журнал олади, бекорчи вақтини шунга сарфлайди. Менинг насиҳатомуз гапларимни улар ўзига қаттиқ олади, гапларимни эшитгиси ҳам келмайди. Бундай одамларга кўпроқ қайсидир артистнинг қанақа қилиб кийинишлиги, қанақа қилиб бўянишлиги тўғрисидаги маълумотлар керак. Улар гўё яхши одамлар ёмонликнинг олдидан

ўтаётганларида кўзларини юмиб, ўзларини кўрмаганликка олиб бепарволик билан ўтганидек болани яхши, иймон- эътиқодли қилиб тарбиялаш тўғрисидаги гапларга эътиборсиз бўладилар. Аммо фойда, манфаатни хоҳлаган одамлар ҳар бир яхши гапни ўзининг йўқотиб қўйилган нарсаси деб билади. Яхши гап, ҳикматли гап мўминнинг йўқотиб қўйган нарсаси ҳисобланади. Қаердан топса ҳам, ким гапирса ҳам олаверади. Ҳикматли гапларни ўзининг йўқотган нарсаси деб биладиганлар, қаердан топсам ҳам олишга ҳаққим бор деб ўйлаганлар бу гапларнинг мағзидан ўзларига катта бир ҳикматли, фойдали, манфаатли нарса топадилар.

Гоҳида шу нарсаларни олиш билан болаларимизнинг иймонини бут сақлаб қоламиз, ўзимизни эса дўзах ўтидан сақлаб қолган бўламиз. Мен бу гапларни бирорта китобдан насихат сифатида ўқиганим йўқ, – дейди Ҳазрати Али Тонтови. – Мен буни бировдан эшитиб нақл қилиб гапираётганим

ҳам йўқ. Лекин бу ўз қизларимни тарбиялашдаги тажрибаларимнинг натижалари, шунингдек уларнинг фарзандларини – набираларимни тарбиялашда эришган натижаларим. Тажрибаларим шуки, бола уч ёшга кирган вақтида, гапни секин-аста тушунишни бошлаган вақтида ҳамма нарса Аллоҳдан эканлигини билсин. Ҳамма нарса Аллоҳдан деган тушунча унда пайдо бўлсин. Буни амалий тарзда бажариш учун менинг қиладиган ишларим шунда иборат эдики, боламнинг олдига бирон бир ширинлик кўтариб келиб, бу нарсалар қаердан келди, билдингми деб сўрар эдим. Уч ёшга кирган болам йўқ, билмадим деса, буни Аллоҳ берди дердим. Майли, бу гапларни у тушунмаса ҳам гапиргин. Аллоҳ ким эканлигини у тушунмайди, лекин бу ҳақиқатнинг унинг қулоғига кириши, кўп эшитишини хоҳлаган эдим. Эртасига ҳам бирон бир нарса олиб келсанг, индамасдан, лоқайдлик билан бермагин: болам, буни ҳам Аллоҳ бериб юборди деб бергин. Шу зайл секин-секин

боланинг фикрида ҳамма нарса Аллоҳдан экан деган тушунча пайдо бўлиб ўрнашади. Унга ҳамма нарса Аллоҳнинг кўлида, сен яхши кўрган ширинлик ҳам, ўйинчоқ ҳам Аллоҳда бор деб тушунтиргин. Биз кўриб турган ҳамма нарса – ой ҳам, қуёш ҳам, ер ҳам худоники дегин унга. Шуларни даражама даража, ҳеч қандай фалсафасиз тушунтиргин, содда қилиб гапиргин. Мана бу оятга ёки мана бу ҳадисга мувофиқ деб гапирмагин. Боланинг ёшига монанд тушунтиргин. Болага дуо қилишни ҳам ўргатгин. Масалан, сендан у қанд сўради дейлик. Болам, Аллоҳдан сўрагин, ундан: «Эй, Аллоҳ, менга қанд бергин», – деб сўрашни ўргат. Бу гапларни ўзимнинг тажрибамдан айтяпман. Эй болам, овозингни чиқармасдан айтсанг ҳам Аллоҳ таоло эшитади, секин сўрайвергин дегин. Шу нарсани тушунтиргинки, Аллоҳ таоло сен айтиб турган ҳамма гапларни тинглайди, у бизни доим кўриб туради. Қаерда бўлсак ҳам, эшикни беркитиб қўйсак ҳам, чироқни ўчириб қўйсак ҳам, болам, у бизни кўриб тураверади дегин.

Аллоҳдан сўраган нарсанг қўлингга келиб тушганидан кейин худога шукрона ҳам айтиб қўйгин, болам, қачон сен шукур қилсанг, сенга ҳар доим сўраб турган нарсангни беради, индамасанг бошқа бермайди деган тушунчани болага сингдириш керак. Алҳамдулиллоҳ дейишни ўргансин. Бола каттароқ бўлиб 5-6 ёшга кирганда Аллоҳдан бирон нарса сўраб дуо қилди, аммо дуо қилиб сўраган нарсаси қўлига келиб тушмади дейлик. Унга айтгинки, Аллоҳ таоло сен сўраган нарсани бермади, сен қилган биронта ишинг Аллоҳга ёқмаган бўлса керак, бирон бир гуноҳ қилибсан шекилли дегин. Масалан, сен кеча онангга ёлғон гапириб турганингни эшитган эдим, шунинг учун сенга бермади шекилли дегин. Акангга қаттиқ гапирганингни эшитувдим, укангни урганингни кўрувдим, ёинки сен кеча онангнинг айтганини қилмаган эдинг шу сабабли сўраган нарсангни бермади. Кимки гуноҳ қиладиган бўлса, парвардигор ундан рози бўлмайди, рози бўлмаганидан кейин сўраган нарсасини бермайди деган тушунчани

боланинг ақлига яраша тарзда тушунтиргин. Болага худойи таоло солих бўлинглар деган, намоз ўқинглар, ёлғон гапирманглар, осийлик қилманглар деган. Тушунтиргинки, агар биз буларга амал қиладиган бўлсак, яхшиликларимизни худо кўпайтиради, бизни жаннатга киргизади. Агар бу ишларни қилмайдиган бўлсак, худо бизни жаҳаннамнинг ўтида куйдиради деган гапларни такрор ва такрор болангга уқтиргин.

Болангга яна шуларни ҳам тушунтиргинки, жаннат деган бир беназир бўстон бор. Унда ҳамма гўзаллик мужассам, мевали дарахтлари, чиройли қушлари бор. Унда ширин таомлар, ичимликлар бор. Нимаики сўрасанг, ҳаммаси олдингда ҳозир бўлиб қолаверади дегин. Жаннатда совуқ бўлмайди. Меҳнат бўлмайди. Қўрқув бўлмайди. У ерда ҳеч кимдан қўрқмайсан дегин. Жаҳаннамда эса, ёниб турган ўтлар бор. Ери ҳам, томи ҳам, деворлари ҳам ўтдан унинг. Унга кирган ҳар бир одам шиддатли алам билан ёнади, доим

Ўтда куяди. Чанқаса, ичгани сув тополмайди, илло бир ифлос сув топади, аммо ундан, топган суви қайнаб турганлиги учун ичолмайди деган гапларни ҳам унга тушунтиргин. Шунақа мисолларни ҳар доим, нима муносабат бўлса ҳам гапиравераман дейди Ҳазрати Али Тонтови. Масалан, болам бирон нарса сўраб қолди, гапнинг охирини Аллоҳга тақаб қўявераман. бирон бир баҳона топилиб қолса бўлди, динга тақаб қўявераман, дейдилар у киши сўзларини давом эттириб. Катта бўлиб, мактабга борадиган бўлганда боламга оятларнинг маъноларини айтишни бошлайман. Гўзал ахлоқларнинг ҳаммасини, Аллоҳнинг зикрини олдига қўшиб туриб таъриф эт ва таълим бергин. Унга ёлғон гапирмагин, чунки Аллоҳ ёлғонни ёмон кўради дегин. Ҳар кимки ёлғон гапирадиган бўлса, Аллоҳ уни дўзах билан азоблайди дегин. Ўғирлик қилмагин, чунки Аллоҳ таоло бизни ўғирликдан қайтарган деб уқтиришдан эринма. Онангга ғазаб қилмагин, чунки онасига ғазаб қилганга Аллоҳ ғазаб қилади деган гапларни

гапиравергин. Агар боланг бир гуноҳ иш қилиб қўйгудек бўлса, унга уриш билан таҳдид қилмагин, ураман деган гап билан қўрқитмагин. Шу иш сабаб ўзингга етган жабр укубат, азоб ҳақида унга оғиз очмагин. Лекин сен уни худонинг иқобидан, худонинг азобидан қўрқитгин. Айтгинки, агар сен менга ёлғон гапирадиган бўлсанг, мен сенинг оғзингдан чиққан ёлғоннинг ҳақиқатини билмайман. Сен ёлғон гапириб турганингда худойи таоло ҳақиқатиниям билади, ёлғонингга яраша жазоингни ҳам беради дегин. Гуноҳ иш қилганингда ҳам шу. Ана шу тахлит у яхши ишни қилишни ҳам, ёмон ишни тарк этишни ҳам ўрганади.

Болаларни тарбия қилишдаги енгилгина, саҳиҳ йўл мана шу. Агар сен, эй болам, ўғирлик қилмагин, агар ўғирлик қилсанг қамаб қўйишади ёки ўзим қамаб қўяман десанг, у ўғирликдан тийилади, унда қамалишдан қўрқиш бўлса, ўзига ўзи бу номаълум ишни тақик қилади. Борди-ю одамлар мени

кўрмайпти деб ўйласа ёки мени қамаб кўядилар деб кўркмайдиган бўлса, ўғирликни қилаверади. Сен унга авратингни очмагин, уни одамлар кўрадиган бўлса, айб бўлади десанг, бекитиб юради. Одамлар кўрмайдиган бўлса, яна очишга ўтади. Одамлар фасодга учраса, иштонсиз юриш уларнинг урфига кириб кетса, уларнинг наздида бу юриш айбга айланмайдиган бўлса, боланг иштонсиз юришга орланмайдиган бўлиб қолади. Аммо ёмонликдан фақатгина Аллоҳдан кўркқанлиги учун тийиладиган бўлса, одамларнинг урфи ўзгариб кетса ҳам у бу ишни қилмайди. Чунки у ҳамма қилаётган ишидан Аллоҳ таоло хабардорлигини билади. Қайси ахлоқ, қайси хулқ дин асосига бино қилинмаган бўлса, пойдевори динга асосланмаган бўлса, Аллоҳ кўриб турибди-ку деган тушунчага эга бўлмаса, жаннатдаги савобдан ҳам ортиқ бино қўйиладиган бўлса, дўзахдаги Аллоҳнинг азобидан кўрқишлик устига барпо қилинмаган бўлса, буларнинг ҳаммаси қумга қурилган

бинога ўхшайди. Заиф бир иморатга ўхшаб қолади.

Сен болангга тоат-ибодатларни ёшлигидан ўргатгин. Намоз ўқийдиган бўлсанг, ёнингда турсин. Сен қилаётган ишни бирга қилсин. Сен билан бирга туриб, бирга ўтирсин, лекин сен унга тазйиқ ўтқазмагин. Совуққа олиб чиқиб, муздек сувда таҳорат қилдирмагин. Балки уни рағбатлантиргин. Аллоҳу акбар дейишни ўргатгин. Фотиҳани ўргатган бўлсанг, энди унга мукаммал намозни ҳам ўргатгин. Агар ёш бўла туриб намоз ўқишни мукаммал ўрганиб олган бўлса, сен уни жамоатнинг олдига олиб чиқишдан эринмагин. Жамоат билан бирга намоз ўқишни ўргансин. Намозни тугатганидан кейин унга зикрларни ҳам ўргатгин. Зикрларни у тушунадиган қилиб шарҳлаб бергин. Агар фарзандинг қиз бола бўлса унга ёшлигидан шарманда кийимлар кийишликни, сонлари очик ҳолда бировларнинг олдига чиқишликни ман қилгин. Мен бу гапни ёш қизчанинг ҳам аврати

борлиги учун айтмаяпман. Мусулмонча либосга уни ёшлидан одатлантиришни хоҳлайман, холос. Енги узун кийимларни кийдиргин, бошига рўмол ўрашга одатлантиргин ва тушунтиргинки, болам, бу нарса сенга зарур, лекин бунга одатланганинг маъқул. Сенга ҳали ўраниб юриш вожиб бўлмаган десанг ҳам майли. У балоғат ёшига бориб қолганда, ёпиниб юришликка одатланиб қолади, бундай юриш унинг учун баайни фарз бўлиб қолади. Энди уни ҳаргиз тарк этолмайди. Сенга лозим ва лобитлик иш шуки, қизинг бошига рўмол ўраб турган вақтида уни зарур эканлигига иймон келтирган ҳолда ўрасин, худонинг уқубатидан хавф қилиб ўрасин, шу ишни қилмасам худо азоблар экан деган тушунча билан ўрасин. Сендан кўрққанлиги учун ўрамасин асло. Ҳижоб ўраган аёлларнинг жуда кўпидан биз мушоҳада қиламиз. Айримлари ҳижобни отасидан кўрққанидан ўрайдилар. Вақтики, бундайлар отасидан узоқроқ жойда бўлсалар, очмаган жойлари қолмайди. Оталарнинг мусибати

шуки, ҳар қанча катта бўлиб қолган бўлса ҳам қизларини улар ҳали ҳам ёш деб ўйлайдилар. Агар қизлари 13 ёки 14 га кириб қолган бўлса-да, ўйлайдиларки, қизимга мен қандай назар билан қарасам, кўчадагилар ҳам шундай назар билан қарайди – ҳа, улар адашадилар. Кўп оталарни кўрамиз – рўза тутуди, намоз ўқийди, масжиддан ажрамайди, лекин катта-катта қизлари бор: сонлари, бўйинлари очик юраверади кўчада. Йўлда жуда кўп кампирларни кўраман, бўй-басти билан тенг қизлари очик-сочик кетаверади олдиларида. Ваҳоланки, кампир билан қизни солиштирганингизда кампир очик юрса-ю, қиз ёпиниб олганда, зарари камроқ, гуноҳи кичикроқ бўлар эди.

Қўлингдан келганча болангни радио ва телевизордан йироқроқ тутгин. Агар боланг телевизор орқали худога ёқмайдиган, Худо рози бўлмайдиган кўрсатув ёки кинони кўрган бўлса, бу ишни қилаётган кишилардан Худо рози бўлмаслигини, улар дўзах азобида

куйишларини сен тушунтиргин унга. Айтилган гаплардан зарур хулоса шуки, ҳар куни болаларимиз учун алоҳида бир мажлис ташкил қилиб ўтиришимиз керак. Уларга китоб ўқиб берайлик, улар билан бирга китоб ўқийлик, ҳалол билан ҳаромни тушунтирайлик, исломнинг қоидаларини уларга баён қилайлик, динимиз арконларини, яъни исломда нима буюрилган-у, нимадан қайтарилган – буларни гапиришдан биз ҳаргиз эринмайлик. Сен ҳам ўз фарзандларингга Пайғамбаримиз (САВ) сийратларини танитишга ҳаракат қилгин, биродари азиз. Пайғамбаримизнинг (САВ) ахлоқларини, саҳобаларининг ахлоқларини, улар оилада қандай бўлганлар-у, одамлар билан қандай бўлганлар – шарҳлашдан асло зерикмагин. Аллоҳ таоло уларнинг чиройли хулқлари учун дунёнинг зафарларини, саодатни насиб қилганлигини, охиратда эса улар учун нималар – баланд иқболлар тайёрлаб қўйганлигини ҳам айтишдан зерикмагин.

4-қисм

Шаҳватлар касаллигининг дастлаб намоён бўлиши ҳижобни ташлашдан бошланади. Ўғил болалар билан қиз болаларнинг аралашуви замин бўлади. Ёш қизлар билан ёш йигитларга фаҳш ишлар сари йўл тайёрлаб беришдан илҳом олади. Мана шу ишларни қилишликка, яъни эркаклар билан аёлларнинг ўртасида ёмон ишларни тарқатишлик учун саноғини айтиб бўлмайдиган даражада қувват мусаххар бўлган. Яъни бунга жуда катта пуллар ташланган, катта илмли одамлар, зўр университетлар бунга ишлаган ва тинимсиз ишламоқда. Биз ҳаммамиз йиғилиб, бир жамият бўлиб ҳаракат қилганимизда ҳам уни қувиб чиқара олмаймиз. Аёл киши билан эркак кишининг бузилишига сарфланаётган пулларга қарши мусулмон одам ҳеч нарса қила олмайди. Илло ота ўзининг қизини сақласа, эр хотинини сақласа, ака синглисини сақлай олса бўлди.

Мен Маккада яшайман – дейди Ҳазрати Али Тонтови. – Маккада иссиқ жуда ҳам қаттиқ

бўлади, ҳарорат гоҳида 50 даражага чиқади. Мен бу ҳолатда нима қила оламан? Менинг кўлимдан Абу Қубайс тоғига бутун Маккаю Мукаррамани совутадиган катта бир кондиционер кўйиш келармиди? Ҳамонки, бу нарса кўлимдан келмаса, ҳеч бўлмаса, ўзимнинг уйимга кичкинагина кондиционер кўйиб олиб, маза қилиб ўтирганим яхши эмасми? Модомики дунёнинг ҳаммасини тузата олмас эканман, ақалли ўз уйимни тузатиб олсам ҳам бўлди, қизимни сақлаб олсам ҳам бўлди. Бизга лозими шуки, аввал ўзимизни сақлайлик. Худои таоло бизни кимларга бошчи қилиб кўйган бўлса, шу рутбада туриб аҳилларимиз, авлодимиз, фарзандларимизни сақлаб қолайлик. Қизларим ҳижобда бўлиши учун мен нима қилай деган савол туғилади. Хусусан мен қизимни бу борада мажбурлашликни хоҳламайман. Ўзи хоҳламаган тарзда ҳижобга киришини ҳам сира хоҳламайман. Мен у ҳижобни қаноатланиб кийсин, қалби хотиржам бўлиб кийсин, яхши кўриб кийсин дейман. Биринчи

қизимнинг ёши тўққиздан ўтиб ўнга қараб кетаётган кезларда ёки ундан сал олдинроқмиди, эсимда йўқ, лекин ҳали балоғатга етмаган кезлар эди, мен фикр қилдим, Аллоҳдан ёрдам сўрадим. Онасига айтдимки, эй онаси, бозорга бориб қизимга жуда ҳам нафис, қимматбаҳо рўмол сотиб олиб кел. Ҳалигача эсимда, ўшанда оддий рўмолни икки сўмга берарди. Агар нархи жуда ошиб кетган бўлса ҳам уч сўмга берарди. Хотиним ахир қизимиз ҳали ёш, рўмол ўраб борса, мактабдаги дугоналари устидан кулади, сочини ёпиб борадиган бўлса, уни ҳамма масхара қилади деб қолди гапим тугар-тугамас. Мен айтдимки, эй хотин, мен бу нарсаларнинг ҳаммасининг ҳисобини қилиб бўлдим. Унга шундай рўмол сотиб олгинки, бозорда энг қиммати бўлсин, ҳеч кимнинг пули етмайдигани бўлсин! Кейин хотиним бозорга кетди. Бозордан менга телефон қилиб айтдики, тақсир, мен бир жойдан рўмол топдим: ўзи ипакдан экан, лекин нархи қирқ сўм эмиш. Шуниси энг қиммати экан, деди. Бу

ўша пайтда топадиган ойлигимнинг нақ ярми эди. Унга сотиб олавергин десам, хотиним ажабланди. Мени гапимдан қайтармоқчи бўлди. Мен айтган гапимда туриб олдим. Алҳол хотиним рўмолни олиб келди. Қизим шу рўмолни ўраб мактабига борди. Мактабда қизимнинг рўмол ўраб борганига ажабланишдан кўра рўмолнинг чиройлигига ажабланиб қарашлик зиёда бўлибди. Рўмолнинг чиройлигига ҳамма ҳайрон қолибди. Рўмолини ҳамма мақтабди. Аксарият қизлар ҳасад ҳам қилишибди. Ҳаммаси уйга боргач, шундай рўмол бўлмаса ҳам ҳар қалай шунга ўхшаш рўмол олиб беринг деб оталарининг ҳоли- жонига қўйишмабди. Мен олиб берган рўмолга ўхшаш рўмол олдиришибди. Хуллас қизимнинг рўмол ўрашлиги шу зайл – фахр билан бошланган. Бинобарин биров мажбур қилмаган. Халқда қимматбаҳо нарсанинг нархи ўзида деган гап бор. Ўша рўмол ўзининг баҳоси билан, ўзининг гўзаллиги билан, ўзининг савлати, оҳорлиги билан аслича қолди. Ундан кейин

сингиллари ҳам шу рўмолни ўрашди. Ҳалигача янгидай турибди бу ажиб рўмол. Қизларимнинг ҳаммаси ҳижоб ўраниб катта бўлди. Ҳамма қизларим иқтидо билан, яхши кўриб, қаноатланиб, холислик билан ўради уни. Ўша қизим ўзининг қизи билан кўп йил Европада яшади, лекин бирон марта юзини очмаган, кийинишини ўзгартирмаган. Қизимнинг қизи – Ҳодия Германияда ўқиди. Бир куни неварамнинг муаллимаси синфига кириб келса, неварам билан дугоналари тортишиб турган экан. Овозлари баландлаб кетган, ҳаммаси нимага рўмол ўрайсан деб неварамни юмма талагудек бўлишаётган экан. Муаллими гап нимада эканлигини суриштириб билгач, неварамга сенга ўн дақиқа вақт бераман, шу ерда ўтирган қизларнинг ҳаммасига нимага ҳижоб ўрайсан-у, унинг фойдаси нимада эканлиги тўғрисида гапириб берасан дебди. Неварам туриб, олмон тилида ҳижобнинг фойдаси тўғрисида бийрон- бийрон гапириб берибди. Шундан кейин ҳеч ким унинг олдида ҳижоб тўғрисида гап очмайдиган

бўлибди. Қизим бир маротаба, ижоза олган вақтида Оммонга келди (биз ўша вақтда Оммонда турардик). Иттифоқо, қизимнинг тиши оғриб тиш докторига боришга тўғри келибди. Тиш даволаш муассасасида бир жамоат юзлари очик, сонлари очик мусулмон араб хотинлар, ўзларини тараққиёт эгаларимиз деб ўйлаган, кофирга эргашишликни ўзларига фахр деб билган мусулмон хотинлар қизимнинг устидан кулмоқчи бўлибдилар. Қизимга қараб туриб сиз қайси қишлоқдансиз дейишибди. Қизим ҳам мен Женева деган қишлоқданман дебди. Женевадаги ўзининг ҳаёти тўғрисида, нечта тилни билишлиги, молу дунёда улардан нечи чандон бойлиги ҳақида гапиргандан кейин ҳаммалари ҳайрон қолиб сукут сақлабдилар.

Қизим олмонияда кўп вақтдан бери яшаганлиги учун немис, француз, инлиз тилларини яхши билар эди. Хуллас мана шу нарсалар юзаки кофирликка эргашиб юрган ўша мусулмон хотинларга жуда таъсирли

бўлди. Менинг тушунчам бўйича – дейди Ҳазрати Али Тонтови, – гўзал ахлоқни, гўзал одатни экишликнинг отини тарбия дейди. Шу нарсани неча марта қилса одат бўлади, биласизми дейди ва жавоб тариқасида бундай дейди: «фуқаҳоларнинг айтишига қараганда, бир марта билан одатга айланади. Фарзандингизга бир ишни қилдирдингизми, худо хоҳласа, мана шу нарса унга одат бўлиб қолади. Одатнинг саноғи 50 ёки 60 та эмас, битта. Ҳа, битта билан одатланиб қолади» . Ҳаётини тажрибаларининг биттаси шуки, қизларининг ёшлигидан уларнинг одатлари дурустлашишига ҳаракат қиламан. Гўдак, ҳали тўрт ёшга кирмаган қизчамга овқат чайнаётганда оғзинини очмагин деб ўргатсам, аҳилларим ҳайрон бўлишарди. Мен унга оғзимга овқат солмасдан, оғзимни очмасдан қандай қилиб қимирлатишни кўрсатиб берардим. Гоҳида оғзимга овқат солиб туриб мана шундай қилиб ейиш керак деб гапиришдан эринмасдим, – дейди Ҳазрати Али Тонтови. Пайғамбар алайҳиссалом

мусулмонларга намоз аҳкомларини ўргатаётганларида, уларнинг олдида намоз ўқиётганларида уларга « Менинг намозни қандай қилиб ўқиётганимни кўриб, Сиз ҳам намозни шундай қилиб ўқинглар» дер эдилар. Пайғамбар алайҳиссалом мусулмонлар билан ҳаж қилдилар. Аҳкоми ҳажни уларга талқин қилиб ўргатаётганларида «Ҳаждаги қилинадиган ибодатларни мендан ўрганинглар» деганлар. Муқояса қилиш жилла жоиз бўлмаса-да, ростини айта қоламан: мен қизимга кўлни совун билан қандай қилиб ювишни ўргатишдан ҳам эринмаган одамман. Қизимнинг тиши чиқиши билан унга мисвоқ олиб келиб тишни қандай тозалашни ўргатишдан ҳам эринмаган одамман. Мактабларда ўргатишда гапиришдан нарига ўтишмайди, мен эса эринмасдан ювинишга мўлжалланган жойга қизимни кўлидан етаклаб кириб, кўлимни, тишимни ювиб ўргатардим. Қизим салгина катта бўлганидан кейин санчки (вилка) билан қошиқни қандай қилиб ишлатишни ўргатдим. Мен французларнинг

одатини яхши кўрганим учун бундай қилмадим, балки кофирларнинг ичига кириб қолганда қизим ҳижолат бўлиб қолмаслиги учун ўргатдим. Баъзи уқувсизлар гумон қилганидек, бу ишларнинг суннатга ҳилоф тарафи йўқ. Пайғамбар алайҳу вассаллам ҳам гўштни кесишликда пичоқ ишлатганлар. Динимиз ҳам маслаҳат билан бўлган одатлардан ҳаргиз қайтармайди. Қизимнинг ейишига, одобига, озодалигига шу даражада эътибор бериш баробаринда мен бундан-да эътиборлироқ, юқорироқ нарсага ҳам аҳамият берардим. Бу нарса унинг қалбига иймон дарахтининг уруғларини экишлик эди. Қизларимнинг тарбияси билан боғлиқ гапларни радиога ҳам, телевизорда ҳам кўп гапирганман. Аллоҳ ҳақида қизчамнинг қулоғига қуйишни у уч ёшга тўлар-тўлмас бошлаганман. Такрор бўлса ҳам яна қайтараман, ҳолва олиб келсам ҳам, ўйинчоқ олиб келсам ҳам Аллоҳ берди деб айтардим. Қизим ўйинга берилиб кетган пайтда ҳам қўлига Аллоҳ берди деб ўйинчоғини тутқазар

эдим. Ва бир куни у Аллоҳ қаерда деб сўради. Сен уни кўзинг билан кўролмайсан дедим. Лекин у ҳозир сенинг гапингни эшитиб турибди, бирон нарса сўрасанг эшитиб, сен сўраган нарсани юборади дедим. Агар қизчам эй Аллоҳ, менга шу нарсани бергин деб сўраса, мен эринмасдан шу нарсани олиб келиб берардим. Мана қизим, сен Аллоҳдан сўраган эдинг-а, сенга мендан бериб юборди дердим. Эй қизим, сенга Аллоҳ таоло бераяпти, лекин у ҳам ўзи ёқтирган болаларгагина беради. Ота-онасининг айтганини қилдиган, ёлғон гапирмайдиган, таҳорат қилиб юрадиган қизларни яхши кўради. Шунақа, яхши қизларга Аллоҳ сўраганини беради. Агар сўраган нарсангни бермаса, сен Аллоҳга ёкмайдиган иш қилганинг учун бермаган бўлади. Худога ёқадиган иш қилгин. Қилаётган ишингни менга айтгин. Дада, мана шу ишни қилсам бўладими, Аллоҳга ёқадими, мендан хафа бўлиб қолмайдими – деб сўрасанг, мен қилаётган ишингни тўғри ёки нотўғрилигини айтаман. Шундай қилиб, мен қизимга тарбия

беришликда кадам- бақадам силжиганман. Ақли зиёда бўла бошлагани кейин «Эй қизим, агар яхши иш қилсанг сенга у ёки бу нарсани олиб келиб бераман» дейиш ўрнига «Аллоҳ бунинг учун сени жаннатга олиб киради» дейишни бошлаганман. Тоинки, мендан бирон нарсани умид қилиб қолмасин, мен шу ишни қилган эдим, дадам ҳеч нарса бермади деб айтмасин. Агар бирон бир ёмон иш қиладиган бўлса, ҳаргиз уни ураман деб таҳдид қилмас эдим. Ҳар ким шу ишни қиладиган бўлса, худо уни дўзах азобида қийнайди деб қўяверардим.

Бир куни қизим мендан жаннат нима, дадажон деб сўраб қолди. Мен айтдимки, жаннат жудаям катта ҳовли, атрофида катта-катта ҳовлилари бор. Ичида ширинликлари ҳам, ўйинчоқлари ҳам бор. Нима хоҳласанг, ҳаммаси бор. Ҳамма нарсаси бепул. Яхши болаларни худо жаннатга олиб киради. У кофирларни, намоз ўқимаганларни, гапга кирмаганларни дўзахга олиб киради дердим. Аслида қизим жаннат ҳақида сўради, лекин

мен дўзах ҳақида ҳам гапираверардим. Қизларим билан мана шунақанги йўл тутардим. Уларга насиҳатларни, ваъзларни гоҳида кенг-кенг гаплар билан ҳам гапирардим. Қачонки қизларимга бир иш буюрсам, орқасидан Аллоҳнинг савобини, ваъдасини қилишдан ҳам эринмас эдим. Хуллас, менинг қизларим ёшлигидан худодан кўрқиш билан, худо кўриб турибди-ку деган ақида билан катта бўлишган. Масалан, қизим бирорта дугонасининг уйига борганида уларнинг оиласида бирон бир аёл очик юрганини кўрса, уйга келибоқ дада, аёл киши очик юриб бўлмас эди-ку, фалончи очик юрибди деб айтарди. Қизим, сен унақа қилмагин асло. У худонинг гапига қулоқ солмас экан. Аллоҳ уни яратган, Аллоҳ унга хоҳлаган ҳамма нарсасини берган. Ўша хоҳлаган ҳамма нарсасини бериб туриб жисмингни бегона эркаклар олдида очмагин деган. Лекин у худонинг гапини қилмабди-да, қизим дердим. Аллоҳнинг айтганини қилмабди десам, у аёлга нисбатан қизимнинг қалбида

ёмон кўришлик пайдо бўлиб қолар эди. Бир куни келиб, дада, сиз «худо ёмонларнинг жазосини беради», – дердингиз, у аёл ҳали ҳам юрибди-ку, худо жазосини бермади-ку деб сўрайди. Энди мен унинг гапига муносиб жавоб топишим керак. Хўш, мен нима дейишим мумкин? Ундан «Қизим, сен биринчи синфдан иккинчи синфга қачон ўтасан?», – деб сўрадим. «Имтиҳондан кейин», – деди. «Ҳа, худди шундай, қизим, имтиҳондан кейин ўтилади, – дедим. – Имтиҳонда одам ё хор бўлади ёки азиз бўлади. Имтиҳонгача ҳамма "азиз" бўлиб юраверади, аммо ҳақиқий азизлик имтиҳондан кейин бўлади. Ўша мактабингдаги имтиҳон аслида жуда кичкина имтиҳон. Ана шу имтиҳондан «йиқилиб», биринчи синфдан иккинчи синфга ўтолмаган одам озгина аламланади. Синфдошлари, дугоналари, кўни-кўшниларининг олдида юзи озгина шувут бўлади. Лекин олдинда роса катта имтиҳон бор. У имтиҳонга ҳамма киради. Муаллиму, шогирду, катта-ю, кичкина-ю, ҳоким ҳам, маҳкум ҳам. Ҳамма ўлганлар – Одам

алайҳиссаломдан тортиб ўша кунгача дафн қилинганларнинг ҳаммасини Аллоҳ таоло битта жойга жамлаб, уларнинг амалларини торозига тортади. Яхшилик қилган бўлса, иймон билан ўлган бўлса, жаннатга боради. Кимки кофир бўлган бўлса, Аллоҳ уни дўзах билан азоб беради. Ана ўша ердаги шармандалик ҳамма инсоннинг олдида, ҳамма инсоннинг кўз ўнгида бўлади. Шунақанги имтиҳон бор. Ана ўша имтиҳонгача Сизни ажаблантирган аёл ва унга ўхшаганлар юриб тураверади. Қизларимга ақида усулларини, қалбларига иймон уруғларини шундай қилиб экар, сингдирар эдим. Ҳар бир гапимни ёш бола тушунадиган услуб билан гапирардим. Чунки баъзи гапларни ёш бола тушуниши қийинроқ, – дейди Ҳазрати Али Тантови. Ҳазрат Али Тантови раҳматуллоҳи- алайҳнинг ушбу китобларида ёритилган бу муаммолар бизнинг бугунги кунимиз учун ҳам жуда долзарбдир. Аллоҳ бу китобдаги солиҳ фарзанд тарбияси йўлидаги бой тажрибадан бизнинг ҳам тўқис фойдаланишимизга

муваффақ айласин. Фарзандларимизнинг Аллоҳнинг иймонли, эътиқодли ва солиҳ бандаларидан бўлишига етказсин. Амин.

